



78

140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

0/Бу.г «9» сентябрь

№ 199-г

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Иштихон шаҳри Иштихон кўчаси ҳудудидан
С.Махмудов номли маҳалла фуқаролар йиғинига
маъмурий бино қурилиши учун ер майдони ажратиш
ўқрасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик қонунини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, унингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари ўқрасида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон шаҳри А.Навоий ва Иштихон кўчаси кесишуви ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонида қурилиши режалаштирилган “Савдо ва маиший хизмат ўрсатиш комплекси”ни жойлаштириш бўйича “Давархитектқурилиш” кўмитасининг “Регламенти”га мосан “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” институтининг 2014 йил 10 апрелдаги 1-10/1268-сонли ижобий хулосасини, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2015 йил 24 августдаги 01-776-сонли хатини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2015 йил 6-октябрдаги 1661-сонли хулосасини, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссия аъзоларининг 2016 йил 15 февралдаги 4-сонли хулосатномасини ҳамда Ж.Махмудов номли маҳалла фуқаролар йиғини бошқарувининг маъмурий бино қурилиши учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган хатини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” институтининг 2014 йил 10 апрелдаги 1-10/1268-сонли хати, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2015 йил 24 августдаги 01-776-сонли хати, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2015 йил 6-октябрдаги 1661-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг 2016 йил 15 февралдаги 4-сонли хулосатномаси тасдиқлансин.
2. Иштихон шаҳри А.Навоий ва Иштихон кўчалари кесишуви ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захирасидаги бўш турган ер майдонида “Савдо ва маиший хизмат ўрсатиш комплекси”нинг марказий қисми ҳудудидан Ж.Махмудов номли маҳалла маъмурий биносини замонавий шаҳарсозлик ва архитектура талабларига мос равишда икки қаватли қилиб қуриш учун пойдевор ўқидан 6.4x12.0 метр ўлчамда ҳамда пиёдалар ўтиш йўлаги 4.4x12.0 метр ўлчамда икки қаватли зина ва кириш қисми ер майдони билан биргаликда жами 150.0 (бир юз эллик) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Ж.Махмудов номли маҳалла фуқаролар йиғини (Ш.Диёров)га ажратилаётган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтказилган сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда ушбу қурилган ер майдонини фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ажратилган ер майдонида “Савдо дўкони” қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев вазифасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов